IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 24. Issue 01. Oktabr, 2026

ИЖРО ИШ ЮРИТУВИДА ВИРТУАЛ АКТИВЛАРНИ УНДИРУВ ҚАРАТИЛАДИГАН МУЛК ТАРКИБИГА КИРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Тўхтасинов Мухамадрасул Мухитдин ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23284141

Аннотация. Ушбу тадқиқотда ижро иш юритувида виртуал активларни ундирув қаратиладиган мулк таркибига киритишнинг назарий-концептуал жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан «қарздорнинг мол-мулки» ва «ундирув қаратиладиган мулк» тушунчаларининг ўзаро нисбати таҳлил қилиниб, рақамли активларни ундирув объекти сифатида тан олишнинг бешта фундаментал мезони (иқтисодий қиймат, муомалага лаёқатлилик, бегоналаштириш мумкинлиги, идентификация қилиш ва назоратни исботлаш) асослаб берилган. Тадқиқотда кастодиал ва нокастодиал ҳамёнлардаги активларга ундирув қаратишнинг фарқли процессуал хусусиятлари очиб берилиб, анъанавий ашёвий «эгалик қилиш» ўрнига «электрон назорат» (control) тушунчасини марказий мезон сифатида жорий этиш таклиф қилинган.
Калит сўзлар: ижро иш юритуви, виртуал актив, ундирув қаратиладиган мулк, электрон назорат, кастодиал ва нокастодиал ҳамён, мажбурий ижро, хусусий калит, ундирув навбати.

Abstract. This research analyzes the theoretical and conceptual aspects of including virtual assets in the property subject to execution within enforcement proceedings. The author examines the relationship between the concepts of "debtor's property" and "property subject to execution," substantiating five fundamental criteria for recognizing digital assets as an object of execution: economic value, alienability, transferability, identifiability, and proof of control. The study highlights the procedural differences in levying execution on assets stored in custodial and non-custodial wallets, proposing the adoption of the "electronic control" concept in place of traditional physical "possession" as a central criterion. Furthermore, specific practical proposals for amending current national enforcement legislation are developed, and the author's theoretical definition of a "virtual asset subject to execution" is introduced.
Keywords: enforcement proceedings, virtual asset, property subject to execution, electronic control, custodial and non-custodial wallets, mandatory enforcement, private key, order of execution.

КИРИШ

Моддий-ҳуқуқий квалификациядан ижро-процессуал режимга ўтиш ижро иш юритуви назарияси ва амалиёти олдида қатор мураккаб концептуал масалаларни кўндаланг қўймоқда [16; 18]. Хусусан, қарздорнинг мулкий доирасига кирувчи ва унинг бевосита ёки билвосита назорати остида бўлган ҳар қандай виртуал актив ҳам

кредиторнинг пул талабларини қаноатлантириш учун мажбурий ундирув объектига айланиши мумкинми, деган савол фундаментал хусусиятга эгадир.

Ушбу назарий муаммони ҳал этиш учун, энг аввало, ижро иш юритуви доктринасида ва процессуал қонунчиликда марказий ўрин тутувчи "қарздорнинг мол-мулки" ва "ундирув қаратиладиган мулк" тушунчаларининг мазмуни ҳамда ўзаро нисбатини аниқлаб олиш тақозо этилади [10; 11; 16]. Юридик адабиётларда ва ижро иш юритуви назариясида (В.В. Ярков, Д.Х. Валеев, М.М. Мамасиддиқов) ушбу икки тушунча ҳажм ва мазмун жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқланади. "Қарздорнинг мол-мулки" (property of the debtor) кенг ва умумлаштирувчи категория бўлиб, унга қарздорга тегишли бўлган, унинг мулкий ҳуқуқлари ва активлари мажмуи, шу жумладан, ашёлар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, мулкий талаблар ва рақамли активлар киради [10; 14; 20]. "Ундирув қаратиладиган мулк" (property subject to execution / enforcement) эса қарздор мулкининг торайтирилган ва махсус сараланган қисми бўлиб, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган процессуал тартибда мажбурлов чоралари, хатлаш ва реализация қилиш ҳаракатлари қўлланилиши мумкин [16; 22; 25].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслари ижро иш юритувида ундирув қаратиладиган мулк режимларини белгилашда анъанавий мулкий муносабатларга таянади [5; 92]. Амалдаги қонунчилик ва процессуал доктрина асосан ашёвий шаклдаги кўчар ва кўчмас мулкларни, тижорат банкларидаги ҳисобварақларда сақланаётган нақдсиз пул маблағларини ҳамда хужжатли ва ҳужжатсиз қимматли қоғозларни хатлаш ва реализация қилиш тартибини тартибга солади [73; 78; 81]. Бироқ ушбу анъанавий процессуал конструкциялар виртуал активларнинг ва криптовалюталарнинг тақсимланган реестрлардаги (блокчейн) рақамли ёзув кўринишидаги ўзига хос ахборот-технологик табиатини қамраб олиш учун мутлақо етарли эмас [52; 96; 119].

АСОСИЙ ҚИСМ

Амалдаги ижро тўғрисидаги қонунчиликда қарздорнинг мулкига ундирув қаратишнинг умумий қоидалари назарда тутилган бўлса-да, унда виртуал активларнинг ҳуқуқий режими, уларни аниқлаш, хатлаш, муомаладан чиқариш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича бирорта ҳам процессуал норма мавжуд эмас [73; 102]. Мажбурий ижро бюроси (МИБ) давлат ижрочиси суд қарорини ижро этиш жараёнида қарздорнинг крипто-ҳамёнида йирик миқдордаги криптовалюта мавжудлигини аниқлаган тақдирда ҳам, уни қайси процессуал тартибда ва қайси орган орқали тақиққа қўйиш, агар актив кастодиал бўлмаган (non-custodial) ҳамёнда сақланаётган бўлса, уни қарздорнинг бевосита ихтиёридан қандай қилиб фактик хатлаш лозимлиги бўйича жиддий қонунчилик ва амалий тўсиқларга дуч келмоқда [81; 83; 219]. Бу ҳолат амалдаги ижро қонунчилигининг рақамли мулкий муносабатлар ривожидан орқада қолаётганини ва уни концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Мулкни ижро иш юритувида ундирув қаратиладиган мулк таркибига киритишнинг назарий-концептуал мезонларини ишлаб чиқиш виртуал активларга нисбатан мажбурий ижро чораларини қўллашнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади [119; 120; 152].

Юридик доктрина ва амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, муайян объектни ундирув қаратиладиган мулк сифатида тан олиш учун у бир вақтнинг ўзида бешта фундаментал мезонга жавоб бериши шарт: иқтисодий қийматга эгалик, муомалага лаёқатлилик, бегоналаштириш мумкинлиги, идентификация қилиш мумкинлиги ҳамда қарздорга тегишлилигини ва унинг назорати остида эканини исботлаш мумкинлиги. Ушбу мезонларнинг ҳар бирини виртуал активларга нисбатан татбиқ этиш ўзига хос ҳуқуқий ва технологик хусусиятларга эгадир [120; 152; 210].

Биринчи мезон – иқтисодий қийматга эгалик (economic value) мезонидир. Ижро иш юритувининг бош мақсади ундирувчининг пул талабларини қарздорнинг мулкини сотишдан олинган пул маблағлари эвазига қаноатлантиришдан иборат бўлгани сабабли, ундирув қаратилаётган объект реал бозор қийматига ва ликвидликка эга бўлиши лозим [61; 74; 119]. Биткоин, Эфириум каби етакчи криптовалюталар, шунингдек, барқарор токенлар (stablcoin) ва йирик крипто-биржаларда савдо қилинадиган утилитар токенлар аниқ пул эквивалентида (фиат валюталарда) баҳоланадиган юқори ликвидли иқтисодий қийматга эгадир [34; 71; 110]. Фикримизча, агар виртуал актив бозорда ҳеч қандай талабга эга бўлмаса ёки унинг ликвидлиги ва қийматини аниқлаш имконсиз бўлса, бундай активга ундирув қаратиш ижро ҳаракатларининг мутаносиблиги ва самарадорлиги тамойилларига зид келади.

Иккинчи ва учинчи мезонлар – муомалага лаёқатлилик (alienability) ва бегоналаштириш (transferability) мумкинлиги мезонларидир. Фуқаролик ҳуқуқи қоидаларига кўра, фақат муомаладан чиқарилмаган ва муомалада бўлиши чекланмаган мулк объектларигина бегоналаштирилиши ва уларга ундирув қаратилиши мумкин [5; 13]. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, криптоактивлар тўлов воситаси сифатида муомалада бўлиши тақиқланган бўлса-да, улар лицензияланган хизматлар провайдерлари (крипто-биржалар ва крипто-дўконлар) орқали миллий ва хорижий валютага сотиб олиниши ва сотилиши мумкин бўлган муомала лаёқатига эга объект ҳисобланади [6; 8; 96]. Тақсимланган реестр (блокчейн) технологияси рақамли активни бир оммавий манзилдан бошқасига техник жиҳатдан тўсиқсиз ва тезкор ўтказиш имконини бериши уни бегоналаштириш ва реализация қилиш мезонига тўлиқ мос келишини тасдиқлайди [123; 148; 152].

Тўртинчи мезон – идентификация қилиш мумкинлиги (identifiability) мезонидир. Ундирув қаратилаётган мулк аниқ белгилари ва ҳажми бўйича алоҳидалаштирилган бўлиши зарур [2; 149]. Виртуал активлар ашёвий шаклга эга бўлмаса-да, улар блокчейн тармоғида ноёб криптографик манзил (public address), транзакциялар тарихи ва муайян миқдордаги рақамли бирликлар орқали юқори даражада алоҳидалаштирилади [120; 153]. Блокчейннинг шаффофлиги тармоқдаги ҳар бир рақамли активнинг ҳаракатланишини ва жойлашувини математик аниқликда идентификация қилиш имконини беради, бу эса уни ижро иш юритувида хатлаш ва ундирув объекти сифатида расмийлаштириш учун пўлатдек мустаҳкам технологик асос бўлиб хизмат қилади [145; 156; 200].

Бешинчи ва энг мураккаб мезон – виртуал активнинг айнан қарздорга тегишлилигини ва унинг назорати остида эканини исботлаш мумкинлиги (proof of ownership and control) мезонидир [32; 120; 217]. Кастодиал сақлаш шаклида (крипто-биржаларда) қарздорнинг шахси биржадаги KYC (Know Your Customer) ва AML идентификация тартиб-таомиллари

орқали аниқланади ва активнинг қарздорга тегишлилиги юридик жиҳатдан тўлиқ исботланади [20; 51; 217]. Бироқ кастодиал бўлмаган (non-custodial) аноним крипто-ҳамёнларда активнинг қарздорга тегишли эканини исботлаш мураккаб крипто-криминалистик суриштирувларни, IP-манзилларни, блокчейн-аналитика (Chainalysis, TRM Labs) ва оммавий манзилга боғланган хусусий калитнинг (private key) фактик кимнинг ихтиёрида эканини аниқлашни талаб этади [32; 89; 145]. Фикримизча, ижро иш юритувида активнинг қарздор назоратида эканини исботлаш презумпцияси яратилиши ва қарздорга ўз крипто-активлари ҳақида ахборот бериш мажбурияти юкланиши лозим.

Виртуал активларни ундирув қаратиладиган мулк таркибига киритиш концепцияси ижро иш юритувининг фундаментал принциплари ва уларнинг рақамли муҳитдаги ўзига хос намоён бўлиш шакллари билан узвий боғлиқдир [10; 16; 120]. Қонунийлик принципига мувофиқ, қарздорнинг рақамли мулкига ундирув қаратиш ва уни хатлаш фақат қонунда аниқ белгиланган процессуал нормалар ва давлат ижрочисининг асосланган қарори ёки суд ажрими асосида амалга оширилиши шарт [5; 92]. Ижро ҳаракатларининг ўз вақтидалиги принципи рақамли муҳитда алоҳида аҳамият касб этади, чунки криптовалюталарнинг юқори волатиллиги ва уларни бир неча сония ичида офшор юрисдикциялардаги аноним ҳамёнларга ўтказиб юбориш хавфи давлат ижрочисидан тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган хатлаш чораларини кўришни талаб қилади [81; 119; 162].

Ундирувчи ва қарздор манфаатлари мувозанати ҳамда ижро чораларининг мутаносиблиги (пропорционаллик) принциплари рақамли активларга ундирув қаратишда жиддий синовга дуч келмоқда [10; 108; 121]. Қарздорнинг кичик миқдордаги қарздорлиги учун унинг йирик суммадаги крипто-биржа аккаунтини тўлиқ блокировка қилиш ёки унинг барча рақамли активларига тақиқ қўйиш мутаносиблик принципига зид келади [119; 219]. Шунингдек, қарздорнинг ҳаётий зарур мулки дахлсизлиги принципи нуқтаи назаридан, агар қарздорнинг ягона даромад манбаи ёки яшаш учун зарур бўлган минимал маблағлари рақамли актив шаклида сақланаётган бўлса, уларга ундирув қаратишда фуқаролик процессуал қонунчилигидаги минимал ижтимоий кафолатларни (энг кам иш ҳақи миқдоридаги дахлсиз суммани) татбиқ этиш бўйича ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилиши лозим [5; 40; 82].

Ижро иш юритуви доктринасида виртуал активларни мажбурий ундирув қаратиш навбатида (priority order of execution) тутган ўрни бўйича қизғин назарий баҳс-мунозаралар кечмоқда [16; 40; 193; 219]. Юридик адабиётларда ва хорижий тажрибада ушбу масалада икки асосий концептуал ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув тарафдорлари (М.А. Рожкова, В.А. Гуреев) криптовалюталарни ва айниқса фиат валюталарга боғланган барқарор токенларни (stablcoin) уларнинг юқори ликвидлилиги ва зудлик билан тўлов воситасига айлана олиши сабабли нақдсиз пул маблағларига тенглаштиришни ва уларга биринчи навбатда (first priority) ундирув қаратишни таклиф қиладилар [193; 204]. Уларнинг фикрича, криптовалюталарни пул маблағлари сингари биринчи навбатда ундириш кредиторнинг талабларини энг тез ва самарали қаноатлантириш имконини беради.

Иккинчи ёндашув вакиллари (А.В. Незнамов, Д.Ҳ. Валеев, М.М. Мамасиддиқов) эса криптовалюта ва токенларни бевосита пул маблағларига тенглаштиришга қарши чиқиб,

уларни "бошқа мол-мулк" (other property) ва мулкий ҳуқуқлар таркибида кўришни ҳамда уларга иккинчи ёки учинчи навбатда ундирув қаратишни илгари сурадилар [16; 220; 225]. Бу ёндашувнинг асосий далили шундаки, криптовалюталар аксарият юрисдикцияларда расмий тўлов воситаси ҳисобланмайди, уларнинг бозор нархи кескин ўзгарувчан (волатиль) ва уларни реализация қилиш учун конвертация ва биржа комиссияси харажатлари талаб этилади [74; 110; 219]. Шу сабабли, уларни миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари билан бир хил навбатга қўйиш пул муомаласи ва молиявий тартибга солиш тамойилларига зид келади.

Бизнинг назаримизда, ҳар иккала ёндашув ҳам муайян афзалликлар ва заиф томонларга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ва иқтисодий реалияларидан келиб чиққан ҳолда мувозанатлашган концептуал позицияни танлаш лозим. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида криптоактивлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланган бўлиб, улар мулкий ва инвестицион объект сифатида тан олинган [6; 8; 96]. Шу сабабли, криптоактивларни бевосита миллий ёки хорижий валютадаги пул маблағларига тенглаштириш ва уларга биринчи навбатда ундирув қаратиш юридик жиҳатдан асосланмагандир. Бироқ, уларни анъанавий кўчар ва кўчмас ашёлар сингари энг охирги навбатга суриш ҳам кредиторлар манфаатига путур етказади ва қарздорга активларни яшириш учун вақт беради [119; 162].

Шу сабабли, фикримизча, ижро тўғрисидаги қонунчиликда виртуал активлар учун оралиқ ва махсус ундирув навбати белгиланиши зарур [5; 16]. Яъни, виртуал активларга ундирув қаратиш қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларидан ва қимматли қоғозларидан сўнг (иккинчи навбатда), лекин қарздорнинг кўчар ва кўчмас мол-мулкларига, ишлаб чиқариш воситаларига ва ашёларига ундирув қаратишдан олдин амалга оширилиши лозим. Бундай оралиқ навбатнинг белгиланиши, бир томондан, пул муомаласи суверенитетини ҳимоя қилса, иккинчи томондан, юқори ликвидли рақамли активлар эвазига кредиторнинг талабларини тезкор қаноатлантириш ва қарздорнинг ишлаб чиқариш-кўчмас мулкларини хатлашдан сақлаб қолиш имконини беради.

Виртуал активга эгалик ва сақлаш шаклига қараб ундирув объектининг фуқаролик-ҳуқуқий ва процессуал конструкцияси тубдан фарқланади [32; 120; 217]. Ижро иш юритуви амалиётида сақлашнинг икки асосий технологик шакли ажратиб кўрсатилади: кастодиал сақлаш (custodial wallets) ва нокастодиал сақлаш (non-custodial / self-custodial wallets). Кастодиал сақлашда (крипто-биржалар, кастодиан хизматлар ва провайдерлар) қарздорнинг рақамли активи учинчи шахс – провайдернинг криптографик инфратузилмасида ва ягона оммавий ҳамёнида сақланади [51; 96; 217]. Бунда қарздор актив устидан бевосита блокчейн даражасидаги хусусий калитга эга бўлмай, балки провайдерга нисбатан шартномавий талаб ҳуқуқига (мажбурият ҳуқуқига) эга бўлади [20; 120].

Агар виртуал актив кастодиал шаклда сақланаётган бўлса, мажбурий ижро иш юритувида ундирув объекти ашё ёки рақамли активнинг ўзи эмас, балки қарздорнинг крипто-хизмат кўрсатувчи провайдерга нисбатан мавжуд бўлган мулкий талаб ҳуқуқи (claim right) ҳисобланади [120; 217]. Бу ҳолатда ундирув қаратишнинг ҳуқуқий конструкцияси анъанавий банк ҳисобварағидаги пул маблағини ёки учинчи шахслардаги

қарздорнинг дебиторлик қарзини хатлаш механизмига жуда яқин туради [78; 81; 120]. Давлат ижрочиси биржа ёки провайдерга учинчи шахс сифатида ижро фармойиши ёки тақиқ қарорини юбориб, қарздорнинг аккаунтини блокировка қилиши, активни фиат валютага конвертация қилишни ва МИБнинг депозитига ўтказишни талаб қилиш ваколатига эга бўлади [217; 219].

Мутлақо бошқача процессуал конструкция нокастодиал сақлашда (децентрализациялашган шахсий ва аппарат ҳамёнларда) юзага келади [32; 85; 145]. Нокастодиал ҳамёнда активни сақловчи учинчи шахс (провайдер) мавжуд эмас; актив блокчейн тармоғида жойлашган бўлиб, унга кириш ва тасарруф этиш ваколати фақат қарздорнинг қўлидаги хусусий калит (private key) ва қайта тиклаш пароли (SEED-ибора) орқали амалга оширилади [32; 145]. Бу ҳолатда қарздор ҳеч кимга нисбатан талаб ҳуқуқига эга бўлмай, актив устидан бевосита ва ягона технологик назоратни амалга оширади [2; 152]. Шу сабабли, нокастодиал ҳамёндаги активга ундирув қаратишда учинчи шахсга хатлов қарорини юборишнинг имкони йўқ, ундирув бевосита қарздорнинг шахсига ва унинг мулкий ҳаракатларини мажбурлашга қаратилиши шарт [85; 119; 162].

Ушбу технологик ва ҳуқуқий фарқлар ижро иш юритуви доктринасида анъанавий "эгалик қилиш" (possession) тушунчаси ўрнига "электрон назорат" (controllable electronic record / control) тушунчасини марказий мезон сифатида қабул қилишни тақозо этмоқда [2; 4; 149; 152]. ЮНИДРУАнинг "Рақамли активлар ва хусусий ҳуқуқ тамойиллари" ҳамда АҚШ Ягона савдо кодексининг (UCC) 12-моддасида асослаб берилганидек, рақамли активлар ноашёвий бўлгани сабабли уларга нисбатан классик ашёвий-ҳуқуқий "эгалик" (физик ушлаб туриш) категориясини қўллаб бўлмайди [2; 4; 149]. Ижро иш юритувида "назорат" деганда қарздорнинг ёки давлат ижрочисининг рақамли активни бошқа манзилга ўтказиш, уни тасарруф этиш ва бошқа шахсларнинг унга киришини истисно қилиш бўйича ягона ва мутлақо амалий имкониятга эгалиги тушунилади [2; 152].

Фикримизча, "назорат" концепциясини ижро иш юритувига жорий этиш мажбурий ижро органига қарздорнинг криптоактиви устидан ҳуқуқий ва фактик назоратни ўрнатиш имконини беради. Агар давлат ижрочиси қарздорнинг хусусий калитини ёки SEED-иборасини қонуний тартибда (суд ажрими ёки мажбурлов чоралари орқали) қўлга киритса ёки кастодиал биржадаги аккаунтга кириш ҳуқуқини музлатиб қўйса, у актив устидан процессуал назоратни (legal control) ўрнатган ҳисобланади [120; 145; 217]. Шу даврдан эътиборан қарздорнинг активни тасарруф этиш бўйича фактик назорати бекор қилинади ва актив мажбурий ундирув режимига ўтади. Ушбу "назорат" тушунчаси рақамли мулкка ундирув қаратишнинг ягона назарий-методологик калити бўлиб хизмат қилади [2; 152].

Юқорида билдирилган назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда, ижро иш юритувида виртуал активларга ундирув қаратишнинг концептуал моделини шакллантириш мумкин [10; 16; 119]. Ушбу моделнинг элементлари тизимига қуйидагилар киради: биринчидан, субъектлар таркиби – мажбурий ижро органи (давлат ижрочиси/МИБ), ундирувчи, қарздор, учинчи шахслар (крипто-биржалар, кастодиан провайдерлар, тижорат банклари) ва мутахассислар/IT-экспертлар; иккинчидан, объект – кастодиал ёки нокастодиал шаклдаги, иқтисодий қийматга эга бўлган ва қарздор назорати остида аниқланган виртуал активлар; учрашинчидан, процессуал-ҳуқуқий асослар – суднинг ижро ҳужжати, давлат ижрочисининг хатлаш ва ундирув қаратиш тўғрисидаги

асослантирилган қарори ва суднинг ахборот бериш ва калитларни топшириш бўйича ажрими [5; 81; 120].

Ушбу концептуал модель диссертация тадқиқотининг II бобида атрофлича таҳлил қилинадиган амалий муаммолар ва мажбурий ижро ҳаракатлари учун мантиқий ва методологик кўприк вазифасини ўтайди [81; 119; 217]. Чунки ижро иш юритувида виртуал активларни аниқлаш (қидириш), уларни фактик ва юридик хатлаш, муомаладан чиқариш, холис баҳолаш ва лицензияланган крипто-биржалар орқали реализация қилиш каби амалий босқичларнинг муваффақияти айнан ушбу концептуал модель ва ундаги субъектларнинг ваколатлари аниқ белгиланганига бевосита боғлиқдир [78; 83; 219].

Илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ижро иш юритуви қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги асосланган қонунчилик таклифлари илгари сурилади [5; 6; 16]. Хусусан, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга "Виртуал активларга ундирув қаратиш хусусиятлари" деб номланган янги 60-1-модда киритилиши ва унда виртуал активларнинг ундирув қаратиладиган мулк таркибига кириши, ундирув навбати, кастодиал ва нокастодиал активларни хатлашнинг махсус процессуал тартиби аниқ мустаҳкамланиши зарур. Шунингдек, Қонуннинг 48-моддасига ва Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларига қарздорнинг ўз рақамли активлари ва уларга кириш калитлари ҳақида ахборот бериш мажбуриятини юклаш қоидалари киритилиши лозим.

Шу билан бирга, ижро иш юритуви доктринаси ва қонунчилиги учун муаллифлик томонидан "ундирув қаратиладиган виртуал актив" тушунчасига қуйидагича назарий таъриф берилади: "Ундирув қаратиладиган виртуал актив – бу қарздорга мулкий ҳуқуқ тариқасида тегишли бўлган ёки унинг бевосита ёхуд билвосита электрон назорати остида аниқланган, иқтисодий қийматга ва муомала лаёқатига эга бўлган, қонунчиликда назарда тутилган процессуал тартибда хатланиши ва кредиторнинг талабларини қаноатлантириш учун реализация қилиниши мумкин бўлган рақамли активдир." Мазкур муаллифлик таърифи активнинг ҳам моддий-ҳуқуқий, ҳам ижро-процессуал табиатини ўзида мужассам этади.

Параграф бўйича ўтказилган комплекс илмий тадқиқот якунлари юзасидан қуйидаги муҳим назарий ва амалий хулосаларга келиш мумкин. Виртуал активларни ижро иш юритувида ундирув қаратиладиган мулк таркибига киритиш уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати билан узвий боғлиқ бўлиб, моддий ҳуқуқдаги мулкий эътироф ижро-процессуал соҳада махсус мажбурлов чораларини қўллаш режими билан тўлдирилишини талаб этади. "Қарздорнинг мол-мулки" ва "ундирув қаратиладиган мулк" тушунчаларининг қиёсий таҳлили кўрсатдики, амалдаги ижро тўғрисидаги қонунчилик анъанавий ашёвий мулкларга мослашган бўлиб, блокчейн технологиясига асосланган рақамли активларнинг ахборот-технологик хусусиятларини ва уларга ундирув қаратишнинг мураккаб тартибини мутлақо қамраб олмайди [5; 10; 16; 119].

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида мулкни ундирув қаратиладиган мулк таркибига киритишнинг бешта фундаментал мезони – иқтисодий қийматга эгалик, муомалага лаёқатлилик, бегоналаштириш мумкинлиги, идентификация қилиш мумкинлиги ҳамда қарздорга

тегишлилиги ва назоратини исботлаш мумкинлиги асослаб берилди [120; 152; 210]. Виртуал активларнинг ушбу мезонларга мослиги таҳлил қилиниб, ижро иш юритувининг қонунийлик, ўз вақтидалик, пропорционаллик ва қарздорнинг ҳаётий зарур мулки дахлсизлиги тамойилларини рақамли муҳитда қўллашнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилди. Шунингдек, криптовалюталарни ундирув навбатида бевосита пул маблағларига ёки энг охирги навбатдаги ашёларга тенглаштиришнинг заиф томонлари кўрсатилиб, банк ҳисобварақларидан сўнгги, бироқ кўчар-кўчмас мулклардан олдинги оралиқ (иккинчи) ундирув навбатини белгилаш бўйича муаллиф позицияси асосланди [16; 40; 193; 219].

Ижро иш юритуви доктринаси учун кастодиал ва нокастодиал сақлаш шаклларига қараб ундирув объектининг дифференциацияси концептуал аҳамиятга эгадир. Кастодиал сақлашда ундирув объекти қарздорнинг крипто-провайдерга нисбатан шартномавий талаб ҳуқуқи бўлса, нокастодиал сақлашда актив бевосита қарздорнинг хусусий калит орқали амалга оширадиган технологик назорати остида бўлади [32; 120; 217]. Шу муносабат билан, ижро иш юритувида анъанавий ашёвий "эгалик" тушунчаси ўрнига рақамли активлар устидан "электрон назорат" (control) тушунчаси марказий мезон сифатида қабул қилиниши лозимлиги исботланди. Давлат ижрочиси томонидан ушбу назоратнинг ўрнатилиши активни хатлаш ва реализация қилишнинг юридик пойдевори бўлиб хизмат қилади [2; 149; 152].

Тадқиқот натижасида ижро иш юритувида виртуал активларга ундирув қаратишнинг субъектлар, объект ва процессуал асосларни мужассам этган комплекс концептуал модели шакллантирилди. Ушбу модель диссертациянинг иккинчи бобида ўрганиладиган виртуал активларни аниқлаш, хатлаш, баҳолаш ва биржа орқали сотишга оид амалий ижро ҳаракатлари учун муҳим методологик кўприк ҳисобланади [81; 119; 217]. Назарий ва амалий таҳлиллар асосида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга киритилиши лозим бўлган конкрет нормалар ва «ундирув қаратиладиган виртуал актив» тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди, бу эса миллий қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ва ижро иш юритуви самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Financial Action Task Force (FATF). Updated Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets and Virtual Asset Service Providers. – Paris: FATF, 2021.
2. UNIDROIT. Principles on Digital Assets and Private Law. – Rome: International Institute for the Unification of Private Law, 2023.
3. Regulation (EU) 2023/1114 of the European Parliament and of the Council of 31 May 2023 on markets in crypto-assets (MiCA) // Official Journal of the European Union. L 150, 09.06.2023.
4. Uniform Commercial Code (UCC) Article 12 – Controllable Electronic Records // Uniform Law Commission & American Law Institute, 2022.
5. Ўзбекистон Республикасининг Fuqarolik kodeksi // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида"ги ПФ-121-сон Фармони // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 28.04.2022 y., 06/22/121/0358-son.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 декабрдаги "Терговга қадар текширувни амалга оширишда ва жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган крипто-активларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда topshirish tartibi тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 3591) // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 28.12.2024 y., 10/24/3591/1002-son.
8. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 15 августдаги "Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 3379) // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 15.08.2022 y., 10/22/3379/0743-son.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 21 январдаги "Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-1115-сон Қонуни // LEX.UZ.
10. Ярков В.В. Исполнительное производство: Учебник. – М.: Статут, 2020. – 544 с.
11. Валеев Д.Х. Исполнительное производство: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2010. – 400 с.
12. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик процессуал ва ижро ҳуқуқи: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Monografiya. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 280 б.
13. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 432 б.
14. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 345 б.
15. Абдиҳакимов Ф.З. Сунъий интеллектнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрнини таснифлаш муаммолари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста. – 2026. – № 4. – Б. 84–92.
16. Незнамов А.В. О проблемах анонимности и приватности криптовалюты в исполнительном производстве // Актуальные проблемы российского права. – 2025. – Vol. 126, No. 2. – С. 91–102.
17. Рожкова М.А. Цифровые активы и виртуальное имущество: как соотносятся эти понятия // Закон.ру, 2019.
18. Гуреев В.А. Исполнительное производство: Учебник. – М.: Юрайт, 2021. – 452 с.
19. Долгиева М.М., Волеводз А.Г. Уголовная политика в сфере конфискации криптовалюты в России, ЕС и США // Цифровое право (Digital Law Journal). – 2025. – Т. 6, № 1. – С. 20–34.
20. Sadzevičius M., Pranevičienė K., Gaubienė N. Recovery of Digital Assets and Cryptocurrencies in Civil Enforcement Proceedings: Key Challenges // Prawo i Więź. – 2025. – Vol. 55, No. 1. – P. 216–234.
21. van Erp S. Ownership of Digital Assets and the Numerus Clausus of Legal Objects // Maastricht European Private Law Institute Working Paper. – 2017. – No. 6.

22. Lehavi A. Property Law in a Globalizing World. – Cambridge: Cambridge University Press, 2019. – 280 p.
23. Санникова Л.В., Харитонова Ю.С. Цифровые активы: правовой анализ. Монография. – М.: 4 Принт, 2020. – 304 с.
24. Белых В.С., Болобонова М.О. Проблемы определения правового режима криптовалют // Журнал предпринимательского и корпоративного права. – 2019. – № 3. – С. 23–28.
25. Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 11-12-сон, 218-модда.